

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100- 3.05
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

**ЖУРНАЛИСТИК ИЖОДА ПСИХОЛОГИК ВА СОЦИОЛОГИК
УСУЛЛАР
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 - Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220000 - Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Мўминов Ф.А. – “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси профессор, филология фанлари доктори

Тошпўлатова Н. - “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

Сулаймонова С.Р. – ЎзМУ журналистика факультети “Матбуот” кафедраси катта ўқитувчиси (*турдош ОТМ*);

Раҳимов А.Э. – “Маърифат”–“Учитель Узбекистана” газеталари Бош муҳаррири, (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фани умумий психология ва социологиянинг амалий-фундаментал билимларини журналистика соҳаси ва журналистларнинг амалий эҳтиёжларига йўналтирган ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолияти билан, шунингдек аудиториянинг соcio-психологик муносабатларини ўрганади. Оммавий ахборот воситалари фаолияти жараёнларида социологик тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти, журналист касбининг психологик ўзига хослиги ва профессионал маҳорат масалалари, журналист руҳияти, ички дунёсининг касбий фаолияти жараёнида ўзгариб ва ривожланиб бориши, унинг жамиятни ахборот билан таъминлашга кўрсатадиган таъсири, оммавий коммуникация, интерактив жараёнларда социологик сўровлар, аудитория билан журналист шахси ўртасидаги психологик муносабатлар, уларнинг журналистика самарадорлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақидаги билимлар берилади.

Талабаларга социологик тадқиқот усуллариининг журналистик амалиётда ва тахририят фаолияти самарадорлигида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтиради. Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг назарий аспектилари ва амалий жиҳатларини кўрсатади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” **фанининг мақсади** – талабаларда журналистик ижодда психология ва социологиянинг ўрни, амалий фаолиятда психологик ва социологик усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти, журналистика самарадорлиги ва журналистик асарлар таъсирчанлигини таъминлашда журналистика психологияси ва социологиясининг ўрни, оммавий коммуникация воситаларининг соcio- психологик вазифалари, журналист томонидан тайёрланадиган ахборотнинг жамият ва аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсири, ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатишда, ахборот манбалари билан ишлашда журналистнинг психологик тайёргарлиги, турли ижтимоий жараёнлардаги социологик ва психологик муносабатларнинг жамоатчилик дунёқарашининг ўзгариб боришида катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида билим ва кўникма ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси - уни ўрганувчиларга:

- замонавий психология ва социологиянинг махсус тармоғи сифатида талабаларда оммавий коммуникациялар жараёнларида ахборот олиш ва аудитория билан ишлашнинг соcio- психологик қонуниятлари;
- ОАВнинг турли объектлар ва субъектлар билан психологик ва социологик муносабатлари;
- журналистнинг касбий бурчи, масъулияти ва мажбуриятларига қўйиладиган, социологик, психологик талаблар;
- журналистнинг соcio-психологик маданиятини шакллантириш бўйича муайян тушунчалар бериш кўзда тутилади.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- журналист касбининг синкретик табиати, фаолиятининг кўпқирралилиги;
 - журналистнинг ахборот етказишдек ижтимоий вазифани бажаришида психологик ўзига хосликларни билиш зарурлиги;
- журналист – оммавий ахборот воситасида фаолият кўрсатувчи мутахассис сифатида соҳанинг асосий психологик талабларини тасаввур қила олиши;
- журналистика социологияси журналистиканинг ривожланган, замонавий йўналишлардан бири эканлиги;
- жамиятда ижтимоий муносабатларнинг шаклланишида социология фанининг аҳамияти;
- халқаро журналистика ва ОАВ тизимини социологик тадқиқ этиш;
- халқаро журналистик ижодда социологик ёндашув ва социологик тадқиқот усуллари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- инсон – шахс – ижодкор журналистика психологиясининг асосий ўрганиш объекти эканлигини;
- шахс психологиясининг(фезъл-атвор, темперамент, кайфият) асосий унсурлари эканлиги;
- руҳий жараёнларнинг (идрок, хотира, диққат, кузатув) ўзига хослиги ва уларни касбий фаолиятда қарор топтиришни;
- журналистнинг мулоқот бошқарувчиси сифатидаги вазифаларини;
- оммавий коммуникациялар жараёнининг психологик хусусиятларини;
- аудитория билан мулоқотга киришишда психологик талабларни;
- журналист ижтимоий қиёфасининг аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсирини;
- ахборот хавфсизлиги тушунчаси медиапсихология муаммоси эканлигини;
- манипуляциянинг моҳиятини ва унинг журналистикадаги ўрнини;
- фавқулодда ҳолатларни ёритишда журналистга қўйиладиган психологик талабларни;
- журналистика социологияси фанининг назарий асосларини;
- журналистика социологиясининг тузилиши, фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар ва уларнинг асосларини;
- эмпирик тадқиқотларнинг йўналишларини;
- социологияда субъект, объект воситасини;
- халқаро алоқалар тўғрисидаги ахборот манбаларининг оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги кафолатларини;
- халқаро журналистиканинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий таҳлилларини ва бу жараёнларда журналистнинг ҳуқуқ ва бурчларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- матн ва тафаккур кўламларини белгилашда журналист психологиясининг ўзига хос эканлиги;
- журналистнинг ижтимоий имижини тузилишига турлича ёндашув;
- фавқулодда ҳолатларда журналист психологияси;
- ахборот тўплашда ва мулоқотга киришишда маънавий-руҳий психологик хавфсизлик қоидаларига риоя этиши;
- ахборот муҳитида психологик хавфсизлик кўринишларини нималардан иборат эканлиги;
- ахборот олишда журналист одобига риоя қилиш;
- халқаро алоқалар таҳлилида журналистиканинг асосий принципларига амал қилиш;
- социологиянинг асосий методлари ва улардан амалиётда фойдаланиш;

- медиа ва социологик ташкилотларнинг шакллари билиш;
- социологик ахборот олиш усуллари журналистик фаолиятда кенг қўллай олиш;
- интерфаол имкониятлардан фойдаланиш;
- аудитория учун ахборот тайёрлашнинг вақти ва жойини танлаш, махсус социологик тадқиқот йўналишларига техник ва ижтимоий имкониятлар яратиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, бакалавр босқичининг 8-семестрида ўқитилади. Бу дастурни амалга бажариш учун талабалар умумий психология ва социология фанлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши лозим. Шунингдек, жаҳон журналистика назариясининг “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Замонавий хорижий ОАВ”, “Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи”, “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Ахборот хавфсизлиги”, “Экология”, “Сиёсатшунослик”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Журналистнинг касб этикаси”, “Журналистикада миллий манфаатлар” сингари умумкасбий фанлари билан алоқада ўрганилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Оммавий коммуникациялар жараёнида ахборот билан ишлашнинг психологик ва социологик ҳолатлари ўзгариб бормоқда. Мазкур ҳолатларни кузатиш, ўрганиш ва уларнинг журналистиканинг етакчи тараққиёт тамойиллари ва тенденцияларига кўрсатадиган таъсирини ўрганишда мазкур фанга алоҳида талаблар қўйилади. Мазкур фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш, яъни ОАВ тизимининг ажралмас бўғинидир. Ушбу фан таркибига кирувчи назарий билимларни эгалламай туриб журналист-мутахассис бўлиш мумкин эмас. Чунки журналистик фаолият самарадорлиги журналистнинг чуқур билимга эга бўлиши билан бирга соҳа психологияси ва социологиясини, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг аҳамиятини яхши англай олиши, бу билан боғлиқ янгиликларни таъсирчан етказа олиш маҳорати, холис ва ҳаққоний ахборот тайёрлаш кўникмаси, таҳририят ишини тўғри ташкил этиш каби қатор омилларга боғлиқ. Мазкур жараёнларнинг барчаси “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фани билан алоқадорликда ривожланади. Мазкур фанни чуқур ўзлаштирган талаба келгуси илмий ва журналистик ижодида аниқликка, ҳар бир далил ва маълумотлар, ҳужжатлар билан ишлашга жиддий ёндашишга, ўзи ишлайдиган ОАВ таҳририяти фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш борасида аниқ таклиф ва режалар ишлаб чиқа олишга ўрганади. Ўзида бундай малакаларни шакллантирган мутахассис учун меҳнат бозорида ўзига муносиб иш ўринларини топиши осон бўлади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг ўқув дастури доирасида “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик

технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади. Техник ва кўргазмали воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Журналистик ижод психологияси

Курснинг предмети, тузилиши, мақсад ва вазифаси.

Журналистик ижод психологиясини ўрганишнинг зарурати ва унинг ихтисослик фанлари билан алоқаси. Журналистикада жамоатчилик ва оммавий тафаккур: умумийлик ва ўзига хослик. Журналистика соҳасининг синкретик табиати. Журналист фаолиятининг кўпқирралиги. Журналистнинг ахборот етказишдек ижтимоий вазифани бажаришида психологик ўзига хосликлар.

Журналистик ижодни англашнинг психологик модели ва усуллари

Журналистик ижоднинг психологик мотивацияси. Журналистик ижод — шахс фаолиятининг ўзига хос маънавий-руҳий соҳаси сифатида. Журналистнинг замон талабларига мослашуви. Журналистик фаолият мотивлари ва уларни ривожлантириш. Ижодий фаолият мотив моҳиятини англаш. Ахборот олиш, қайта ишлаш ва узатиш мотивлари. Мулоқот мотиви ва ундан кўзланган асосий мақсад.

Журналист касбининг ижтимоий–психологик хусусиятлари.

Журналист касбининг ижтимоий-психологик жиҳатлари: инсон – шахс – ижодкор. Шахс психологияси: мижоз, феъл-атвор, кайфият. Руҳий жараёнларнинг ўзига хослиги: хотира, эътибор, кузатув. Идрок тушунчасига таъриф. Журналист фаолиятида идрокнинг аҳамияти, унинг ўзгармаслиги ва бутунлиги. Журналистик асарнинг пайдо бўлишида идрок, туйғулар, руҳий ҳолатлар, муносабатларнинг мантикий асослари, қонуниятлари.

Ижтимоий гуруҳларда коммуникациянинг асосий психологик муаммолари

Коммуникация (оммавий алоқа) тушунчаси ва уни жамиятдаги вазифаси, роли. Коммуникациянинг таркиби ва тузилиши. Ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги коммуникатив алоқаларнинг психологик ўзига хослиги. Оммавий коммуникация воситаларида мулоқотнинг психологик хусусиятлари.

Оммавий коммуникациялар жараёнида мулоқотларнинг ўрни ва аҳамияти

Мулоқот тушунчаси, унинг психологик табиати, жамиятдаги турли муносабатларда мулоқотнинг ўрни ва аҳамияти. Мулоқотга киришишнинг психологик талаблари. Журналистнинг мулоқот бошқарувчиси сифатидаги вазифалари. Жамоа, аудитория, суҳбатдош билан мулоқотга киришишнинг умумий ва ўзига хос томонлари. Аудитория билан мулоқотга киришишда диалогларнинг аҳамияти. Кўпчилик ва икки кишилик суҳбатларнинг психологик фарқлари.

Журналист маҳоратининг психологик сифатлари

Коммуникатор – ахборот – аудитория. Улар ўртасидаги муносабатларда журналистнинг психологик вазифалари. Мулоқотдаги журналистнинг касбий қиёфаси ва роли. Журналистнинг психотиплари. Журналист тафаккур мезонлари: сеҳрловчи (ўзига жалб қилувчи), фикр берувчи, ишонтирувчи, нисбий қаровчи, инкор қилувчи, бетараф, инсонпарвар, Net-қарашлар. Журналист шахсининг психологик хусусиятлари ва касбий хислатлари. Ижодий куч-қудрати, имконияти ва ўзгариши.

Журналист касбий қиёфасининг аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсири

Аудитория эътиборини қозонишда журналист имижини. Журналистнинг ахборот манбалари, мақола қаҳрамонлари, турли ижтимоий институт вакиллари, шу жумладан ҳукумат, ОАВ эгалари, муассислари, таҳририят раҳбарлари ва ходимлари билан мулоқотга киришиши психологияси.

Журналист ижтимоий имижини моделлаштириш: ўзига жалб қилиш, устунлик, билим-лаёқат, яқин олиш, ҳамма қатори, қаҳрамон, жумбоқ. Журналистнинг ижтимоий имижини тузилишига турлича ёндашув; мулоқотнинг боришига, яқинлик даражасига, ижтимоийлашиш жараёнларидаги вазифаси, матн ва тафаккур кўламларига қараб.

Фавқулодда ҳолатларда журналистика психологияси

Журналист фавқулодда ҳолатлар кузатувчиси ёки иштирокчиси сифатида. Жабрланувчилар, гувоҳлар, қутқарувчилар, иштирокчиларнинг ижтимоий қарама-қаршиликлари, табиий техноген офатлардаги психологик ҳолатлари. Ахборот тўплашда ва мулоқотга киришишида маънавий-руҳий психологик хавфсизлик қоидаларига риоя этиш. Психологик жароҳат ва зўриқиш (стресс) тушунчаси ва уларнинг оқибатлари. Аҳолининг оммавий психологик жароҳатланишига патоген ахборий таъсир кўрсатиш омили сифатида.

Замонавий жамиятда ахборот хавфсизлигининг психологик муаммолари.

Ахборот муҳитида психологик хавфсизлик кўринишлари. Жамиятда ахборот тўқнашувлари, ахборот хуружларининг жамоатчиликка кўрсатадиган психологик таъсири. Аҳолининг оммавий психологик жароҳатланишига патоген ахборот таъсир кўрсатишнинг омили сифатида. Журналистикада манипуляциянинг ўрни. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда журналистнинг психологик тайёрлиги.

Журналистик ижод социологияси

“Журналистика социологияси” замонавий социологиянинг махсус тармоғи сифатида

Социология атамасининг луғавий маъноси. Социология жамоатчилик фикрининг кўзгуси. Социологиянинг ижтимоий фан сифатидаги мураккаб тузилиши. Социология ва журналистика фанининг объекти ва предмети.

Социологиянинг умумий назарияси, ашёвий соҳалар социологияси ва амалий социология. Социологик тадқиқотларнинг услублари: ҳужжатларни ўрганиш, сўров ўтказиш ва кузатиш. Тажриба махсус услуб сифатида. Социологиянинг бошқа жамиятшунослик фанлари билан фарқи ва ўхшашлиги. Социологик тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, йўналиши, методикаси ва ҳужжатлари ҳақида тушунча.

Социологиянинг таҳририят иши самарадорлигини оширишдаги роли ва асосий жиҳатлари. Социологик ёндашувни олинадиган маълумотни холислаштириш имкониятига эга эканлиги. Социологиянинг маърифий бошқарув, башоратчилик вазифалари ва уларнинг ОАВга тааллуқли томонлари. Журналистик ижод билан социологиянинг алоқаси. “Журналистик ижод социологияси” фанининг амалиётда тутган ўрни ва аҳамияти

Журналистик амалиётда социологиянинг ўрни ва аҳамияти

Замонавий жамиятда журналистика ва ОАВ тизимини социологик тадқиқ этишга эҳтиёж. Ахборотнинг замонавий жамиятдаги ўрни. Жамият тараққиётининг асосий тенденциялари журналистика социологияси талқинида. Оммавий ахборот жараёнларидаги кескин ўзгаришлар. Журналистнинг социология бўйича малакага эга бўлиш босқичлари. Журналист кундалик фаолиятида қўллайдиган асосий социологик услублар. Бу услублардан онгли ва онгсиз тарзда фойдаланиш ўртасидаги тафовутлар. Журналистик ижод билан социология алоқасининг аспектлари.

Социологиядан малакага эга бўлган журналист билан бундан беҳабар журналистнинг воқеликни билиш ва уни ёритишда турлича ижодий методологик воситаларга эришиши.

Журналистнинг ижодига таъсир этувчи муҳим омиллар. Кузатиш ва сўров социологик ҳужжатларни методологик ўрганиш усули эканлиги. Ҳужжатлар билан ишлашнинг асосий кўринишлари.

Журналист ва таҳририят фаолияти самарадорлигини оширишда социологиянинг ўрни. Таҳририят ишини ташкил этиш йўналишлари.

Социологик тадқиқот дастури

Социологик тадқиқотни тўғри ўтказишнинг муҳимлиги. Аниқ социологик тадқиқот дастури (АСТ) ҳақида тушунча. АСТ дастурининг икки – услубий ва амалий бўлимлардан иборатлиги, уларнинг тавсифи.

Услубий бўлим қисмларининг тавсифи. АСТ муаммосини аниқлаш, тадқиқот объекти ва предметини белгилаш. АСТ мақсадини белгилаш ва вазифаларини аниқлаш. Тадқиқотнинг асосий тушунчаларини аниқлаш ва уларни эътироф этиш. Тадқиқот объектини мунтазам равишда тадқиқ этиш. Ишчи фаразларни асослаб бериш.

Амалий (процедуралар) бўлим қисмларининг тавсифи. Тадқиқотнинг асосий режасини белгилаш. Ўрганилаётган бирликларни танлаш ва тартибини белгилаш. Ўлчов бирликларини танлаш. Маълумот йиғиш учун асосий амалий фаолиятни аниқлаш ва якуний хулосалар чиқариш.

Журналистик фаолиятда аниқ социологик усуллар

АСТнинг уч асосий усули: ҳужжатларни ўрганиш, сўров ва кузатиш ҳақида тушунча. Эксперимент – социологиянинг алоҳида усули сифатида.

Социологик ҳужжат тушунчаси. Ҳужжат турлари таснифи. Ҳужжатлар билан ишлаш усулининг журналистик фаолиятда намоён бўлиши ва аҳамияти.

Сўров методи ва унинг характерли белгилари. Сўров турлари: анкета, суҳбат, социометрик ва эксперт сўровларининг ўзига хосликлари ва таърифи.

Кузатиш усули. Унинг устунликлари ва камчиликлари. Кузатиш турлари ва шартлари.

Эксперимент (синов) усули ва уни ўтказиш талаблари. Эксперимент турлари.

Журналистикани социологик усуллар орқали ўрганиш

Журналистика социологияси социология фанининг бошқа соҳалари билан алоқаси. Унинг бошқа соҳалардан ажратиб турувчи асосий белгилари. Журналистика социологиясининг тармоқлари.

Социологияда журналистикани уч асосий йўналишда ўрганиши. Журналистика аудиторияси. Аудитория фикри. ОАВ чиқишлари матни. таҳририят фаолияти. Журналистлар фаолиятини ўрганишни яхшилаш усуллари ва шакллари.

Журналистикада самарадорлик ва таъсирчанлик муаммоси

Журналистикада самарадорлик тушунчаси. Сўнгги йилларда журналистикада фаоллик ва самарадорлик муаммоларининг кўпроқ ўрин тутаётганлиги. Журналистика социологиясини ўрганиш усулларининг журналистлар фаолиятига ва коммуникация жараёнининг самарадорлигини ўрганишга йўналтирилганлиги. Журналистика самарадорлигини социологик усуллар орқали ўрганишнинг асосий омиллари.

Коммуникация жараёни самарадорлигини тадқиқ этиш ва ўрганиш. Самарадорликнинг намоён бўлиш шакллари ва йўналишлари.

Социологик маълумот устида ишлаш ва таҳлил этиш

Социологик маълумотни ишлаб чиқиш усуллари, шакллари ва босқичлари. АСТ ҳужжатларини тўлдириш ва натижаларини ҳисоблаш. АСТ натижаларини шарҳлаш усуллари.

Бирламчи маълумотларни ташкил этувчи жараённинг уч босқичи: тасвирлаш, тушунтириш ва башорат қилиш.

Ахборотни таҳлил қилишнинг муҳим воситалари.

Таҳририятга келаётган хатларни социологик усуллар ёрдамида ишлаш ва таҳлил қилиш. Хатларни ўрганиш жараёнига социологик ёндашув. Хатлар билан ишлаш босқичлари. Контент–таҳлил усулининг хатларни таҳлил қилишда етакчи усуллардан бири эканлиги. Хатларнинг тавсифи, таснифи ва илмий ўрганиш услуги.

Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати

Журналистик ижод психологияси

1. Журналистика ижтимоий фаолиятнинг кўриниши сифатида.
2. Журналистик ижоднинг психологик усуллари ва уларнинг ўзига хосликлари.
3. Журналист касбининг ижтимоий–психологик жараёнлари ва ижодда идрок тушунчаси .
4. Жамиятда оммавий коммуникациянинг ўрни ва роли.
5. Мулоқотлар жараёнида психологиянинг ўрни ва аҳамияти.
6. Мулоқотлар жараёнида психологик усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти.
7. Журналист касбининг психологик қиёфаси.
8. Спорт журналистика психологияси.
9. Журналист касбий қиёфасининг аудиторияга кўрсатадиган психологик таъсири.

10. Журналист факулудда ҳолатлар иштирокчиси сифатида.
11. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда ОАВ ва журналистнинг психологик тайёрлиги.
12. Журналистикада манипуляциянинг ўрни.

Журналистик ижод социологияси

13. “Журналистика социологияси” фанининг ўрганиш объекти, предмети ва мақсад, вазифалари.
14. Журналистнинг кундалик фаолиятида социологиянинг ўрни ва аҳамияти
15. Социологик тадқиқот дастурини тузиш босқичлари.
16. Журналистик фаолиятда аниқ социологик усуллардан фойдаланиш масаласи.
17. Эксперимент – социологиянинг алоҳида усули сифатида.
18. Журналистикани социологик усуллар орқали ўрганиш
19. Журналистикада самарадорлик ва таъсирчанлик муаммосини ҳал этишда журналистика социологиясининг аҳамияти.
20. Социологик маълумот устида ишлаш ва таҳлил этиш босқичлари.
21. Таҳририятга келаётган хатлар билан социологик усуллар ёрдамида ишлаш ва уларни таҳлил қилиш масалалари.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мавзу бўйича тавсия этилган адабиёт ва манбаларни ўқиш. Таълим жараёни, маъруза, семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш, мустақил таълим топшириқлари асосида махсус кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ақлий ва амалий жараённи ташкил қилишнинг психосоциологик ҳолатлари ҳақида муайян билим ва малакага эга бўлиш.

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини қўшимча манбалар маълумотлари билан қиёслаган ҳолда таҳлил этиш асосида бойитиб борадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш орқали талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш йўли билан талабалар билимини ошириб бориш, мавзулар бўйича тарқатма материаллар, тақдиротлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим куйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Журналистика соҳасида кадриятларнинг ўрни
- Оммавий коммуникацияда психологиянинг ўрни.
- Журналист касбининг психологик барқарорлиги ва стереотиплари.
- Медиапсихологиянинг замонавий муаммолари.
- Оммавий коммуникациялар ва шахслараро мулоқотнинг психологик фарқи
- Журналистнинг касбий образи.

- Спорт мавзуларини ёритишнинг психологик талаблари.
- Касбий образи (имидж) журналистнинг ижодий фаолиятининг ажралмас қисми сифатида.
- Журналист ташқи ва ички образининг ўзаро алоқаси ва уни чеклаш муаммолари
- Коммункаторнинг манипулятив таъсир ўтказишига қўйиладиган талаблар.
- Рухий зўриқиш вазиятларида репортёр фаолияти.
- Фавқулодда ҳолатларда ахборот олишнинг психологик мураккаблиги.
- Шахслараро мулоқотда журналистнинг роли ва ниқоби: манипуляция ёки психологик қобилият.
- Социологиянинг ижтимоий фан сифатидаги мураккаб тузилиши.
- Социология ва журналистика фанининг объекти ва предмети.
- Социологиянинг умумий назарияси, ашёвий соҳалар социологияси ва амалий социология.
- Социологик тадқиқотларнинг услублари: ҳужжатларни ўрганиш, сўров ўтказиш ва кузатиш.
- Социологиянинг таҳририят иши самарадорлигини оширишдаги роли ва асосий жиҳатлари.
- Журналистик ижод билан социологиянинг алоқаси.
- Журналист кундалик фаолиятида қўллайдиган асосий социологик усуллар.
- Ҳужжатлар билан ишлашнинг асосий кўринишлари.
- Журналист ва таҳририят фаолияти самарадорлигини оширишда социологиянинг ўрни.
- Аниқ социологик тадқиқот дастури (АСТ) ва унинг босқичлари.
- Социологик ҳужжат тушунчаси.
- Ҳужжатлар билан ишлаш усулининг журналистик фаолиятда намоён бўлиши ва аҳамияти.
- Сўров методи ва унинг характерли белгилари.
- Кузатиш усули.
- Эксперимент усули ва уни ўтказиш талаблари.
- Журналистика социологияси социология фанининг бошқа соҳалари билан алоқаси.
- Журналистика социологиясининг тармоқлари.
- Журналистика самарадорлигини социологик усуллар орқали ўрганиш омиллари.
- Контент–таҳлил усулининг хатларни таҳлил қилишда етакчи усуллардан бири эканлиги.

Дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш, тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш, махсус адабиётлардан фанга оид бўлимлар ва мавзулар устида ишлаш, янги техникалар, компьютер дастурлари ва технологияларини ўрганиш, талабанинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиши, фаол ва муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланиладиган ўқув машғулотлари, масофавий (дистанцион) таълим.

Дастурнинг информаион –услугий таъминоти

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологиялари, яъни мустақил керакли ахборотни топиш, ўзлаштирилган билимни таҳлил қилиш ва уни иш жараёнида тадбиқ қила олиш. Ушбу мақсадда дарсларда қуйидаги инновацион технологиялардан фойдаланиш: ”Ақлий ҳужум”, интерактив, жамоа бўлиб ишлаш, ахборотни тўлдириш, тартиб билан жойлаштириш, пинборд техникаси, Б/Б/Б жадвали, инсерт техникаси кабилар, кейс-стади, лойиҳалаштириш усуллари ва бошқалар. Ундан ташқари, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехника, интернетдан фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Мўминов Ф. Социология ва журналистика. Т.: 1995.
2. Бекмурадов М.Б. Социология асослари. Т.: 1996.
3. Тошпўлатова Н. Журналистика психологияси. Т.: 2013
4. Богомоллова Н. Социальная психология печати, радио и телевидения. Москва., 1992.
5. Социология журналистики: учеб.пособие (под. Ред. С.Г.Корконосенко. – М.,2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Муминов Ф.М, Хамдамов Ю.К. Журналистика и социология. Т.: 1993.
2. Гидденс Э. Социология. / тарж. Бегматов А. ва б.. Т.: 2005.
3. Федотова Л.Н. Социология СМИ.-М.2008.
4. Фомичева И.Д. Журналистика и общественное мнение (основные понятия теории журналистики) под ред. Я.Н. Засурского. –М.,1993.
5. Кузин В. Психологическая культура журналиста. Уч. пособие. СПб., 2001.
6. Леонтьев А.А. Психология общения. – М.: Мысль, 1999.
7. Мельник Г.С., Mass media: психологические процессы и эффекты, – Санкт-Петербург. 1996.

Интернет сайтлари:

1. journ.msu.ru
2. jf.psu.ru
3. <http://www.internetworldstats.com>.
4. <http://www.internews.uz>.